

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 67.52.8. (5У)

УМАРОВА Шахноз Зиятовна

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФАРМАЦЕВТ КАДРЛАР
ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

15.00.01 – дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш

Фармацевтика фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2009

Иш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент фармацевтика институтида бажарилган

Илмий раҳбар: фармацевтика фанлари доктори, профессор
Юнусходжаев Ахмадходжа Нигманович

Расмий оппонентлар: фармацевтика фанлари доктори, профессор
Назарова Зарифа Алимжанова

фармацевтика фанлари номзоди, доцент
Ибрагимова Мухаббат Яхъяевна

Етакчи ташкилот: **«Дори-дармон» Акционерлик компанияси**

Ҳимоя Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги Д.087,12.01 рақамли кенгашининг «___» _____ 2009 йил соат ____ ўтадиган мажлисда бўлиб ўтади манзил: 100015, г. Тошкент, Ойбек кўчаси,45 уй.

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот- ресурслари марказида танишиш мумкин

.

Автореферат 2009 йил «___» _____да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, фармацевтика фанлари
доктори, профессор**

Тожиев М.А.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизнинг илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиёт муаммоларини юқори савияда ҳал қила оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши мамлакатимизда олий таълимни ислоҳ қилиш учун замин яратди. Ушбу дастурнинг ҳозирги учинчи босқичида тўпланган тажриба асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш йўллари, шу жумладан, соғлиқни сақлаш тизими учун давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболларини инобатга олган ҳолда белгиланмоқда.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимининг асосий йўналишларидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва соғлиқни сақлаш Давлат дастурини амалга ошириш” тўғрисидаги фармонида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни амалий соғлиқни сақлаш тизими эҳтиёжлари асосида такомиллаштириш, тиббиёт ходимларининг узлуксиз равишда малакасини ва касбий маҳоратини ошириш учун шароитлар яратиш зарурлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиш истиқболлари фармацевт кадрларни тайёрлаш сифатига ва уларнинг касбий маҳорати даражасига бевосита боғлиқдир.

Мустақиллик даврида республикаимиз фармацевтика тизимидаги ислохотлар ва ривожланиш динамикаси бу соҳа учун кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш ва кадрлар тайёрлашнинг узоқ муддатли стратегиясини белгилашни тақозо этади. Амалий фармацевтиканинг янги авлод кадрларига бўлган эҳтиёжга жавобан республика олий фармацевтика таълимининг узлуксиз фармацевтик таълим Концепцияси тақдим этилди, ҳамда ЖССТ муҳим тамойиллари асосида таълим мазмунига ва ислохотлар ғоясининг янгича ёндошувлари шаклланди. Шу муносабат билан ташкилий-бошқарув жараёнларини муқобиллаштириш, ОТМни бошқаришда замонавий бозор тамойилларини қўллаш, унинг фаолиятини рақобатли муҳит шароитига мослаштириш, олий фармацевтик таълим ва фармацевтик ишлаб чиқариш соҳаларининг интеграцияси асосида мутахассисларни тайёрлаш, сифатини такомиллаштириш, фармацевтика ОТМ фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун илмий асосланган тавсияномаларнинг зарурлиги, мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикасида фармацевт кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришга бағишланган илк бор амалга оширилган илмий тадқиқотдир.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтининг тавсиясига мувофиқ ҳамда Тошкент фармацевтика институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига биноан амалга оширилди.

Тадқиқот мақсади. Фармацевт кадрлар тайёрлаш тизимини оптимизациялашни илмий - услубий асосларини ишлаш ва мавжуд фармацевтик сектор талабларини инобатга олган ҳолда уни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари. Белгиланган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзланди:

- фармацевтик таълим ҳолатининг танқидий таҳлили асосида ЎЗРда фармацевт кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш;
- республика фармацевтика тизимининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда, фармацевт кадрлар тайёрлаш соҳасида мазмунан янги ташкилий инновациялар концепциясини таклиф этиш;
- фармацевтикага оид янги йўналиш ва мутахассисликлар ташкил қилиш учун илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш. Янги йўналиш ва мутахассисликлар учун замон талабига мувофиқ ҳолда фармацевтнинг янги малакавий талаблари асосида ДТС, ўқув режалар ва бошқа кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш меъёрий хужжатларини ишлаб чиқиш;
- республика фармацевтика тармоғи учун фармацевтик кадрлар эҳтиёжини аниқлаш, индикатор ва кўрсаткичларини белгилаш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти – рақобатли бозор муҳитида, фармацевтик ишлаб чиқариш билан интеграллашган ҳолда фаолият юритаётган фармацевтик олий таълим муассасасини бошқариш жараёни, тамойиллари ва қонуниятлари.

Тадқиқот предмети – фармацевтик олий таълим муассасасини бошқариш механизми, шарт-шароитлари ва шакллари.

Тадқиқот усуллари. Изланишларнинг меъёрий, услубий ва назарий асосини кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган республика Президентининг асарлари, “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ЎЗР Қонунлари ҳамда республикада олий таълимни, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасини тартибга солувчи ва ривожлантиришга қаратилган Президент ва

хукумат қарорлари, фармойишлари, шу билан бирга 2015 йилгача бўлган даврда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари бўйича материаллар мамлакатимиздаги таълимни замонавийлаштириш стратегияси, ташкил қилиш ва бошқариш, квалиметрии, синергетики, контроллинг, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф назарияси ташкил қилди. Изланишда ижтимоий-иқтисодий, статистик, аналитик-синтетик, тарихий ва мантикий усуллардан, турли олий таълим муассасалар томонидан ишлаб чиқилган услублар, олий таълим муассасалари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш, таълим қийматини аниқлаш, таълимни режалаштириш ва уни бошқариш услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида фармацевт кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида интеллектуал салохиятни шакллантириш ва ундан рационал фойдаланиш, ОТМ ва ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришнинг инновацион стратегияларини интеграциялаш асосида ОТМ фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг илмий – методологик асослаш.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- хорижий давлатларда ва мамлакатимизда олий фармацевтик таълимни ривожлантириш бўйича назарий – услубий ёндашувлар таҳлили, уларни тизимлаштириш ва умумлаштирилиши натижалари;
- Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимининг замонавий ҳолати таҳлилининг натижалари;
- тизимли комплекс таҳлил асосида бозор иқтисодиёти шароитида ОТМ фаолиятининг мослашувини таъминлайдиган бошқарув жараёнига методик ёндашиш;
- бозор талабларига мувофиқ ва фармацевтика тармоғининг эҳтиёжлари асосида ОТМни бошқаришнинг объектив зарурати ва долзарблиги;
- фармацевтик кадрларнинг янги йўналишлари ва мутахассисликларини ташкил қилиш бўйича илмий асосланган таклифлар, ҳамда улар учун янги таълим-касбий дастурлар, фармацевтнинг малакавий тавсифномаси, ДТС, ўқув режалар, ҳамда кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича бошқа меъёрий ҳужжатлар тавсия этилди;
- республика фармацевтика соҳаси учун фармацевтик кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш кўрсаткичлари ва индикаторлари.

Илмий янгилиги. Республикаимизда илк бор фармацевт кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш борасида изланишлар олиб борилди. Республикаимизда ва хорижда фармацевт кадрлар тайёрлаш ҳолатини таҳлил қилиш асосида замонавий фармацевтика амалиёти ва фармацевтика саноати талабларини инобатга олган ҳолда олий маълумотли фармацевт мутахассисларни тайёрлаш соҳасида ташкилий инновациялар концепцияси

ишлаб чиқилди, бу концепцияни жорий қилиш учун янги йўналиш ва мутахассисликлар ташкил қилиш ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш йўналишлари таклиф этилди. Таълимни узлуксизлигини таъминловчи ҳар бир бўғин фаолиятини такомиллаштириш бўйича услубий кўрсатма ҳамда республикамизни фармацевт кадрлар билан таъминлаш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ўтказилган изланишлар асосида фармацевт кадрларни тайёрлаш соҳасидаги ташкилий инновациялар концепцияси ва ўқув жараёнини ташкил қилишнинг амалий тавсиялари, ҳамда фармацевт кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш услуби ишлаб чиқилди. Ушбу услубий ишланманинг олий таълим муассасаси томонидан қўлланилиши унинг бозордаги мақдасини белгилашга, ўз стратегиясини баҳолашга, ҳамда фармацевт мутахассисларга замонавий талабларни аниқлашга имкон беради. Бу ОТМ га фармацевтика соҳасидаги ривожланиш тенденцияларига мувофиқ равишда ўз вақтида мослашишга, ҳамда нафақат мавжуд вазиятда самарали фаолият юритиш, балки вазият истиқболини белгилаш, фаолият самарадорлигини реал баҳолаш, ташкилий-бошқарув жараёнини оптималлаштириш, ОТМ нинг бошқарувига бозор тамоилларини татбиқ этиш, замонавий рақобат муҳитига мосланиш имконини беради. Мазкур инновациялар кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни таъминлайди.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Изланиш натижалари Тошкент фармацевтика институтида янги – “Саноат фармацияси”, “Клиник фармация”, “Космецевтика” таълим йўналишларининг ташкил этилишига ва Фармация йўналишининг ўқув режасига янги “Фармацевтик ёрдам” фанини киритишга асос бўлди. Изланиш асосида ишлаб чиқилган фармацевтнинг касбий малакаси асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 18.05.2005 й. 226-сон буйруғи тасдиқланди.

Замонавий шароитдаги фармацевтнинг янги функционал мажбуриятлари ва ҳуқуқлари бўйича таклифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тасдиқлаш учун “Фармацевтик лавозимлар низоми ва номенклатураси” тақдим этилди.

Фармацевтика институтига абитуриентларнинг қабули бўйича таклиф берилган истиқболли кўрсаткичлар асосида ҳар йилги 200 нафардан фарқли равишда 2008/2009 ўқув йилида 350 нафарли қабул режаси белгиланди.

Шу билан бирга тадқиқот натижалари Тошкент фармацевтика институти ўқув жараёнига янги педагогик технологиялар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича ўқув қўлланма сифатида татбиқ қилинди.

Ишнинг апробацияси. Изланишнинг асосий ҳолатлари Тошкент фармацевтика институтининг 65 йиллигига бағишланган “Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси” анжуманида (Тошкент 2002), “Фармациянинг долзарб муаммолари ва келажак тараққиёти” (Харьков 2003),

“Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари” (Тошкент 2005), Тошкент фармацевтика институтининг 70 йиллигига бағишланган “Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси” (Тошкент 2005), “Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари” (Тошкент - 2008) мавзуларидаги илмий-амалий анжуманларда ҳамда ЖССТнинг Марказий Осиё давлатларида фармацевтика таълимини ривожлантириш ва ислохотлари бўйича 7-9 регионал (Қозғистон, 2003; Қирғизистон, 2004; Ўзбекистон, 2005) кенгашларда муҳокама қилинган.

Натижаларнинг чоп этилганлиги. Изланишнинг асосий мазмуни 15 та илмий мақола ва тезислар, ҳамда услубий қўлланмаларда акс эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 110 бет компьютер матнида баён этилган бўлиб, у кириш қисми, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, изланиш натижалари 21 та жадвал ва 2 та расмда акс эттирилган. Библиографик кўрсаткич 104 та адабиёт манбаъсини ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқ этилаётган муаммонинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, унинг илмий-текшириш ишларининг режалари билан боғлиқлиги асослаб берилган; тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари келтирилган; диссертация ишининг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар ва амалиётга жорий қилиниши, олинган натижаларнинг муҳокамаси ва чоп этилганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб адабиётлар шарҳини ўз ичига олади, унда олий таълим тизимида амалга ошаётган ўзгаришлар, ислохот натижалари, эришилган ютуқлар ва камчиликлар таҳлил қилинди, шунингдек кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида олий таълимни ривожлантириш бўйича тавсиялар тақдим этилди. Ўзбекистонда олий таълимни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинди.

ОТМнинг самарали фаолият кўрсатиши ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар билан белгиланиб, унинг муваффақиятли тараққиёти кадрларнинг рақобатбардошлигини кардинал равишда ошириш мақсадида инновацион фаолиятга методологик, ташкилий-тузилмавий ва услубий ёндашувларнинг ўзгаришини кўзда тутиш зарурлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида мамлакатимизда ва хорижий давлатларда фармацевтик кадрлар тайёрлаш ҳолати таҳлил қилинди. Рақобатли бозор муҳити шароитида, ҳамда фармацевтик таълим ва фармацевтик ишлаб чиқариш соҳалари интеграциясининг зарурлиги

ҳолатида олий таълим муассасасининг ривожланишини бошқариш қонуниятлари белгиланди.

Учинчи бобда фармацевтларнинг замонавий шароитдаги янги роли белгиланиб, ўқув дастурларининг таҳлили асосида янги йўналишлар ташкил қилиш бўйича тавсиялар тақдим этилди.

Ўтган тарихий давр давомида республикада фармацевт кадрлар фақат дорихона муассасалари учун тайёрланиб, олий таълим тизимида битта “Фармация” мутахассислиги мавжуд бўлган. Дори воситаларини ишлаб чиқариш корхоналари, клиникалар, косметик препаратлар ишлаб чиқариш корхоналари учун кадрлар тайёрлаш кўзда тутилмаган эди.

Бугунги кунда республикамизнинг 100дан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги фармацевтик корхоналари фаолият юритиб, уларда ишлаб чиқарилган дори воситалари ва тиббий буюмлар республика аҳолиси ва даволаш муассасаларининг 10-12% эҳтиёжини қопламоқда. Фармацевтика саноати корхоналарининг фармацевтик кадрлар билан таъминланганлик кўрсаткичларининг динамикасини ўрганиш асосида 1- жадвалда келтирилган маълумотлар олинди.

1-жадвал

“Ўзфармсаноат” ДАК тизимида фармацевт кадрлар билан таъминланганлик ҳолатининг таҳлили

Кўрсаткичлар	1998 й.	1999 й.	Ўсиш %	2000 й.	Ўсиш %	2001 й.	Ўсиш %	2002 й.	Ўсиш %	Ўртача ўсиш %
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Раҳбар ходимлар сони	1151	1112	-3,3	997	-10,3	1017	+2,0	1025	0,7	-2,7
Улардан олий маълумотлилар	667	717	+7,4	639	-10,8	612	-4,2	631	+3,1	-1,1
Жумладан, фармацевтика мутахассислиги (провизор)	82	86	+4,8	88	+2,3	91	+3,4	86	-5,4	+1,2
Фармацевт муҳандис - технологлар	4	4	-	4	-	4	-	4	-	-
Фармацевт кадрлар билан таъминот (%да)	12,3	11,9	-3,2	13,7	+15,1	14,8	+8,0	13,6	-8,1	+2,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Ўзфармсаноат” ДАК тизимидаги фармацевтика корхоналарида фаолият юритаётган ходимларнинг

фармацевт кадрлар билан таъминланиши 11,9% дан 14,8% гача ташкил қилади. Аммо ушбу корхоналардаги фармацевт мухандис-технологлар сони таҳлил қилинаётган даврда ўзгаришсиз қолган. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика саноатининг ривожланиш истикболларини, ҳамда юқоридаги таҳлил асосида фармацевт кадрлар билан таъминланганлик даражаси қониқарли эмаслиги аниқланганлигини инобатга олган ҳолда, “Саноат фармацияси” йўналишини ташкил қилиш мақсадга мувофиқлиги белгиланди ва бу йўналишнинг таълим дастури ишлаб чиқилди. Йўналишдаги таълим жараёни 4 та блокдан иборат бўлиб, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки талабалар умумий иш ҳажмининг 25%и миқдорида белгиланди, математик ва табиий-илмий фанлар - 20%, умумқасбий фанлар – 45%, ҳамда ихтисослик фанлари - 10%. Ушбу йўналишдаги ўқиш муддати – 4 йил, академик даража – бакалавр.

Йўналишга қуйидаги фармация йўналишида ўқитилмайдиган фанлар киритилди: саноат санитарияси ва фармацевтик ишлаб чиқариш гигиенаси, метрология, саноат соҳасидаги маркетинг, кимё-фармацевтика корхоналаридаги ускуналар, материалшунослик асослари, тара ва ўрамлар, саноат биотехнологияси, саноат экологияси, ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва бошқалар. Ўқув режасининг асосини – мухандислик фанлари ташкил қилади.

Йўналишни “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га киритиш мақсадида, саноат фармацияси йўналиши фанлар таркибининг фармация ва биотехнология йўналишлари билан таққосий таҳлили ўтказилди.

Таҳлил натижасида қуйидагилар аниқланди: математик ва табиий-илмий фанлар блокига Фармация йўналишидан фарқли равишда 2 та фан - саноат гигиенаси ва санитарияси ҳамда киритилди. Иккала йўналишнинг ушбу блок таркиби бўйича фарқи 22,2% лиги аниқланди.

Саноат фармацияси йўналишидаги умумқасбий фанлар блоки Фармация йўналишидан 61,1%га фарқланган ҳолда шакллантирилиб, ундаги фарқни қуйида келтирилган 11 та фан ташкил қилади: назарий механика, электротехника, фармацевтик ишлаб чиқариш жараёни ва аппаратлари, метрология, умумий кимёвий технология, фармацевтик технологиянинг назарий асослари, фармацевтика препаратларининг саноат технологияси, фармацевтика товаршунослиги, саноат биотехнологияси, фармацевтик кимё, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ихтисослик фанлари тубдан фарқ қилиб, (100%) бирортаси фармация йўналишида ўқитилмайди.

Сўнгги вақтларда иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот технологиялари соҳаларидаги, шунингдек истеъмолчиларнинг психологиясидаги ўзгаришлар, шифокор-бемор-фармацевт тизимидаги ўзаро

муносабатларни тубдан ўзгартириб юборди. Бир томондан фармацевтика бозорига кириб келаётган янгидан-янги дори воситалари тўғрисидаги катта миқдордаги ахборотни ўзлаштиришга улгура олмаётган шифокор, даволаш жараёнида мажбуран консерватив мавқеда туриб қолмоқда. Иккинчи томондан, билимдон, ўзининг соғлиғига эътиборли ва талабчан беморлар шифокорни четлаб ўтиб, тўғридан-тўғри фармацевтга мурожат қилиш ҳолатлари кўпаймоқда. Бу ҳолатларда ЖССТнинг тавсияларига кўра фармацевтлар уларга мурожат этган беморларга замонавий фармакотерапевтик, фармакокинетик билимларга асосланган маслаҳатларни беришлари кераклиги сабабли, фармацевтика соҳасидаги янги йўналиш «Фармацевтик ёрдам» йўналишига бўлган эҳтиёж белгиланмоқда.

Юқоридаги вазиятни инобатга олган ҳолда, фармация йўналишининг ўқув режасига яна бир янги фан – “Фармацевтик ёрдам” фани киритилди. Ушбу фаннинг жорий этилиши фармацевтнинг касбий фаолиятида янги йўналишни очиб бермоқда. Фармацевт бугунги кунда соғлиқни сақлаш масалаларида асосий маслаҳатчи ва аҳолини дори воситалари билан таъминлаш борасида етакчи шахс бўлиб қолди. Бошқа тарафдан фармацевт рецептсиз дори воситаларини ишлаб чиқарувчилар учун асосий коммуникатив марказ ролини бажармоқда.

Бугунги кунда Тошкент фармацевтика институти негизида ишлаб чиқилган «Фармацевтик ёрдам» фанининг дастури МДХнинг фармацевтик олий тизимида татбиқ этиш учун ЖССТга муҳокама учун топширилди.

Шу билан бирга ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 343-сон қарори билан тасдиқланган “Асосий қоидалари”га биноан ДТСдаги ўқув ҳажми ва фанларн блокининг меъёрлари билан чекланган бўлиб, ўқиш муддатининг узайтирилиш эга молиявий харажатлар билан боғлиқлигини ҳисобга олиш керак. Шу муносабат билан бу Фармация ўқув режаси негизида фармация соҳаси учун замон талабига мувофиқ, яна бир янги йўналиш - “Клиник фармация” йўналишининг таълим дастури ишлаб чиқилди ва 2006-2007 ўқув йилидан Тошкент фармацевтика институтида ўқув жараёнига татбиқ этилди. Ушбу йўналишнинг таълим дастурида Фармация йўналиши фанлари билан бир қаторда тиббий биологик фанларни чуқур ўзлаштириш кўзда тутилди. 2-жадвалда Фармация ва Клиник фармация йўналишларининг ихтисослик фанлар блокининг қиёсий таҳлили келтирилди.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар иккала йўналишнинг ихтисослик фанлари блокада фақат 1 та фан – фармацевтик менежмент мавжуд ва блоклар ўртасидаги фарқ 80% ташкил қилади.

**Клиник фармация ва фармация йўналишларидаги ихтисослик
фанлар блокнинг таққосий таҳлили**

№	Фармация	Клиник фармация
1.	Фармацевтик менежмент	Фармацевтик менежмент
2.	Замонавий таҳлил усуллари	-
3.	Махсус дорилар технологияси	-
4.	Биофармация	-
5.	-	Клиник фармакология
6.	-	Фитотерапия
7.	-	Лаборатория ва функционал диагностика
8.	-	Дерматология
9.	-	Фармакологик биокимё

Даволаш-косметик воситаларига бўлган талабнинг юқорилиги ва импорт асосида келтирилган маҳсулот нархининг баландлиги ушбу маҳсулотни республикамізда маҳаллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш заруратини белгилайди. Бу эса ўз ҳолида ушбу соҳадаги кадрларни тайёрлаш муаммоларини ҳал этишни тақозо этади. Бу соҳада умуман кадрлар тайёрланмаганлигини ва республикамізда даволаш-косметика воситаларини ишлаб чиқариш учун бой хом ашё захирасининг мавжудлигини инобатга олган ҳолда “Космецевтика” йўналиши учун таълим дастури ишлаб чиқилди. Йўналишда ўқиш муддати – 4 йил, академик даража – бакалавр. Касбий тайёргарлик кимёвий, тиббий-биологик, фармацевтик ва муҳандислик курсларида амалга оширилади. Космецевтика йўналиши фанлар блокнинг таҳлили унга турдош бўлган йўналишлар - биотехнология ва саноат фармацияси ихтисослик фанлари блоки билан таққосланган ҳолда ўтказилди (3-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, фақат битта фан – ишлаб чиқариш менежменти, ҳар уччала йўналиш ихтисослик фанлари қаторида мавжуд. Бу ҳолат ушбу йўналишларда ишлаб чиқариш корхоналари учун маъмурий кадрлар тайёрлаш зарурати билан тушунтирилади. Космецевтика йўналиши ихтисослик фанларининг бошқа бирортаси ҳам бошқа йўналишларда учрамайди. Бу фанлар блоки йўналишга хос бўлиб, қуйидаги фанлардан ташкил топган: аромалогия, парфюмер-косметик препаратлар технологияси, фитокосметика асослари. Юқорида таъкидланганидек ҳар уччала йўналиш ҳам ишлаб чиқариш корхоналари учун кадр тайёрлайди, шу муносабат билан мутахассислик ва кимёвий фанлар таркиби бир хил қилиб шакллантирилган.

Мутахассислик фанлар блокиннинг таққосий таҳлили

№	Биотехнология	Саноат фармацияси	Косметевтика
1.	Биотехнологияда ЭХМларнинг қўлланилиши	-	-
2.	Биологик фаол моддаларнинг технологияси	Биологик фаол моддаларнинг технологияси	-
3.	Фитопрепаратлар технологияси	-	-
4.	-	Ишлаб чиқариш менежменти	Ишлаб чиқариш менежменти
5.	-	Биотехнология	-
6.	-	Технологик жараёнларни автоматлаштириш	-
7.	-	-	Аромалогия
8.	-	-	Парфюмерия-косметик препаратлар технологияси
9.	-	-	Фитокосметика асослари

Бизнинг мамлакатимизда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг исботи республикамызда қабул қилинган кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўлиб, унга кўра малака ошириш тизими узлуксиз таълимнинг ажралмас қисмидир. Аммо, фармацевтика муассасаларининг катта салмоғи хусусий корхоналар бўлиб, зарур ходимнинг узоқ вақт иш жойида бўлмаслиги дорихоналар молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан, дорихона ходимлари учун, қуйидаги 3 та йўналиш бўйича аралаш кўринишидаги, яъни кундузги ва сиртқи малака ошириш йўналишларини тавсия этилди:

- Фармация бошқаруви ва иқтисодиётининг долзарб муаммолари;
- Фармацевтик технологиянинг замонавий ҳолати ва долзарб муаммолари;
- Дори воситалари таҳлилининг замонавий аспекти.

Таълимнинг кундузги қисмидаги вақтнинг чекланганлиги шароитида таълим сифати таълимнинг ҳар иккала (кундузги ва сиртқи) қисмида соатларнинг оқилона тақсимланишини талаб қилади. Малака оширувчиларнинг мустақил ишини тўғри ташкил қилиши, ўқитувчига эса,

уни бажариш сифатини тез баҳолаш учун назорат иши вазифаларини ишлаб чиқишга услубий ёндашув, замонавий услубий таъминот ва ўқитувчиларнинг юксак компетентлик даражаси зарурлиги белгиланмоқда. Бу ҳолда мавзунинг янгилиги ва амалий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда зарур ахборотни малакали равишда танлайдиган ўқитувчи томонидан мавзунинг тушунарли ҳолда етказиб бериш имкони яратилади. Ушбу омиллар ҳисобга олинган ҳолда, юқорида санаб ўтилган йўналишлар бўйича ўқув режа лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Фармацевтика фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиш усулларида бири бу мутахассисларни сертификатлаштиришдир. Халқаро тажрибага асосан дорихона муассасаларидаги фармацевтика фаолияти билан фармацевтика таълимига эга бўлган ҳамда мутахассис сертификатига эга бўлган малакали шахслар шуғулланиши мумкинлиги белгиланган. Аммо, бирон-бир меъёрий ҳужжатда бошқа фармацевтик муассасаларда, масалан улгуржи савдо корхоналарда, ёки даволаш профилактика муассасаларида дори таъминоти билан шуғулланувчи фармацевт кадрларнинг мажбурий касбий талаблари белгиланмаган. Натижада, дори воситаларининг муомаласи билан шуғулланувчи кўплаб корхоналарда махсус фармацевтик билимга эга бўлмаган шахслар фаолият кўрсатмоқдалар. Шу билан бирга мутахассис сертификатига эга бўлган фармацевт кадрлар бу муассасаларда қандай лавозимларда ишлашлиги ҳам меъёрий ҳужжатларда белгиланмаган. Бу борада фармацевт кадрлар номенклатурасини ва фармацевтик ташкилотларнинг кадрлар таркибидаги лавозимларга ҳамда кадрлар малакасига белгиланган талабларни бир тизимга солиш мақсадга мувофиқдир. Фармацевтик фаолиятни амалга оширишга чекловлар ва фармацевтик ходимларнинг масъулиятини қонуний равишда белгилаш зарурдир. Юқоридаги ҳолатларнинг таҳлили ва олиб борилган изланишлар асосида “Фармацевт кадрлар номенклатураси ва лавозим низомлари” ишлаб чиқилди. Ушбу низомнинг татбиқ этилиши таълим ва малака ошириш дастурларини замон талабларига асосан шакллантиришга ёрдам беради.

Фармацевтика амалиётига мутахассисларни сертификатлаштириш жараёнини татбиқ этиш мақсадида Европа тиббиёт ходимлари иттифоқи тавсиясига, «Шифокор ва фармацевтларни аттестациядан ўтказиш ва лицензиялаш» Низомига, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ «Фармацевтларни сертификатлаш тўғрисидаги Низом» ишлаб чиқилди.

Европа тиббиёт ходимлари иттифоқи тавсиясига кўра узлуксиз касбий таълимни самарали тартибга солишнинг энг қулай шакли кредит тизимидир. Бунда кредитларни тўплаш учун мутахассис иш жараёнида фаол амалиётчи


бўлиши зарур.

Шу муносабат билан, олиб борилган изланишлар асосида фармацевт кадрлар фаолиятини кредит тизимида баҳолаш тартиби ишлаб чиқилди. Ушбу тартибнинг фармацевтика амалиётига татбиқ қилиш, фармацевтика секторини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш имконини беради. Тизим 4 тоифадаги кредитларни кўзда тутиб, кредит тоифаси фаолият турига боғлиқдир.

Диссертациянинг тўртинчи бобида фармацевт кадрларга бўлган талабни ўрганиш натижалари ва республикамизни кадрлар билан таъминотини қондириш учун фармацевтика ОТМга қабул квоталарини шакллантириш бўйича илмий асосланган таклифлар келтирилди.

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каби дорихона тармоғида ҳам янги иқтисодий муносабатларга ўтиш бандлик кўрсаткичига салбий таъсир этди. Дори воситаларга нархларнинг турғун бўлмаганлиги, дори воситалари таннархининг юқорилиги дорихона муассасаларини норентабель ишлашига олиб келди. 1994 йилга келиб, барча дорихоналар дотация ҳисобига фаолият кўрсатдилар, шу муносабат билан 1994 йил 11 мартда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 132-сон Қарори билан дорихоналарни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни бошланди. Бу ҳолат, ўз навбатида иш ўринларининг кескин камайишига сабаб бўлди. 1995 йилга келиб фаолият юритаётган фармацевт ходимларнинг сони 4463 та бўлиб, 1993 й. билан тафовут 1080 кишини ташкил этди.

Оҳирги йилларда аҳолининг фармацевт кадрлар билан таъминланиш динамикаси 1-расмда келтирилди.




1-расм. Ўзбекистон Республикасида ҳар 10,0 минг аҳоли учун фармацевт кадрлар билан таъминланганлик динамикаси (1980-2008й.й.)

Расмда келтирилган маълумотларга кўра 1993-1995 й.й.да таъминланиш даражаси пасайганлиги аниқланди. Бунда ҳар 10 минг аҳолига 1993 й.да 2,9та мутахассис тўғри келган бўлса, 1995 й.да бу кўрсаткич 2,3тани ташкил қилган.

Дорихона муассасалари фаолиятининг иқтисодий таҳлили асосида дорихона тармоғининг иқтисодий аҳволи 1996й.дан бошлаб турғунлашганлиги аниқланди. Шу даврдан бошлаб фармацевтика соҳасидаги хусусий сектор ривожлана бошланди. 2003 й.да республикамиздаги барча дорихоналарнинг 88,5%ини хусусий дорихоналар ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 90%дан ошди.

Республика вилоятлари бўйича фармацевт кадрлар билан таъминланганлик кўрсаткичлари 2- расмда келтирилган.



2-расм. Вилоят миқёсида фармацевт кадрлар билан таъминланганлик кўрсаткичлари

Расмда келтирилган маълумотлар асосида ҳозирги пайтга келиб республикада фармацевт кадрлар билан таъминланганлик 10,0 минг аҳолига ўртача 3,5 мутахассисни ташкил этганлиги кўриниб турибди. Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳрида таъминланганлик кўрсаткичи республика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқорилиги, Бухоро вилоятида эса бу кўрсаткичга тенглиги, қолган вилоятларда эса 3,5дан пастлиги аниқланди.

ЖССТнинг тавсиясига кўра мамлакатда фармацевтика фаолиятининг қониқарли ташкил этилиши учун ҳар 10,0 минг аҳолига 4,3 та мутахассис, ёки 1 та фармацевтга 2300 аҳоли тўғри келиши лозимлиги кўрсатилган. Ушбу маълумотлар бўйича ўтказилган таҳлил асосида Ўзбекистонда фармацевт

кадрлар билан таъминланиш 81,3%ни ташкил қилиши аниқланди, демак фармацевт кадрларга бўлган эҳтиёжни тўла қондириш учун республикада 2300дан зиёд мутахассис етишмайди.

Аҳолини ва даволаш муассасаларини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашнинг самарали тизимини ташкил этишда фармацевт кадрлар миқдорини режалаштириш катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида фармацевт кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда уларга бўлган талаб ва таклиф кўрсаткичларининг тахлили асосида компьютер модели ишлаб чиқилди. Бу модель асосида бир қатор омиллар, жумладан, ОТМ га қабул қилинган талабаларнинг сони, талабалар сафидан четлатилганлар сони, битирувчилар сони, нафақага кетган ва ходимларнинг бошқа табиий йўқотиш ҳолларини инобатга олган ҳолда фармацевтика секторидаги кадрлар таъминотидаги вазиятларнинг узок муддатли сценарий ва истиқболли режалари ишлаб чиқилди.

Фармацевт кадрлар билан таъминланганлик даражаси олий таълим муассасасини битирган мутахассисларнинг қандай қисми ўз соҳасига мувофиқ ишга жойлашганлигига ҳам боғлиқ. Шу сабабли битирувчиларнинг ишга тақсимланиши ва ишга жойлаш кўрсаткичлари ҳам тахлил қилинди. Тахлил натижасида битирувчиларнинг 75% и фармацевтика соҳасида ишга боришлиги аниқланди. Шу билан бирга таълим давомида, яъни 1 курсдан 5 курсгача, талабаларнинг сони турли хил сабабларга кўра 10 – 15 % га камайиши аниқланди.

Юқорида келтирилган омилларни ҳисобга олганда, фармацевтика амалиётига етарли кадрларни таъминлаш учун 3000 дан ортиқ битирувчи зарур эканлиги аниқланди.

Қуйида келтирилган формула асосида, республикада етишмаётган кадрлар таъминоти учун фармацевтика ОТМга қабул квоталарини узок муддатларга шакллантириш асосланди:

$$(X_i \cdot K_j - 100) \cdot d_i = 3000$$

$$d_i = \frac{3000}{X_i \cdot K_j - 100} \quad (i=1,2,3,4,5) \quad (j=1,2),$$

Бунда:

X_1 – абитуриентларни қабул режаси,

K_j – битирувчилар коэффиценти,

d – зарур бўлган вақт (йилларда)

100 – кадрларни ўртача табиий йўқотиш сони.

Юқорида келтирилган формула асосида фармацевт кадрлар билан таъминланганлик кўрсаткичини оптимал миқдорга етказиш учун фармацевтика институтига қабул миқдорини аниқлаш мумкинлиги асосланди (4-жадвал).

4-жадвалда келтирилган маълумотларни умумлаштириб, фармацевт кадрларга бўлган эҳтиёжни яқин 11 йилда қондириш учун фармацевтика институтининг асосий йўналишларига бир йилда 400 абитуриентдан кам бўлмаган қабулни таъминлаш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

4-жадвал

Омиллар таъсирини ўрганиш асосида фармацевтика олий таълим муассасасига қабул квоталарини шакллантириш

Шартлар	$X_1=200;$ $K_j = 0,85$	$X_2=250;$ $K_j = 0,85$	$X_3=300;$ $K_j = 0,85$	$X_4=350;$ $K_j = 0,85$	$X_5=400;$ $K_j = 0,85$
Фармацевт кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун зарур бўлган муддат (йилларда)	42	26	19	15	12

Шартлар	$X_1=200;$ $K_j = 0,9$	$X_2=250;$ $K_j = 0,9$	$X_3=300;$ $K_j = 0,9$	$X_4=350;$ $K_j = 0,9$	$X_5=400;$ $K_j = 0,9$
Фармацевт кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун зарур бўлган муддат (йилларда)	37	24	17	14	11

Фармацевтика бозоридаги фармацевт кадрларнинг таркибига бўлган талабни инобатга олган ҳолда, юқорида асосланган оптимал қабул миқдори – 400 абитуриентни қуйидагича тақсимлаш таклиф этилди:

Фармация	-	220 нафар.
Клиник фармация	-	25 нафар.
Саноат фармацияси	-	100 нафар.
Космецевтика	-	25 нафар.
Биотехнология	-	30 нафар.
Жами:		400 нафар.

Изланиш давомида аниқланган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига 2008-2009 ўқув йилида 1 курсга олинadиган талабалар сони бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ва тақдим этилди. Ушбу таклифлар асосида 2007/2008 ўқув йилидаги 200 нафардан фарқли равишда 2008/2009 ўқув йилида 350 нафарли қабул режаси белгиланди.

ХУЛОСА

1. Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида фармацевт кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва ундан рационал фойдаланиш, ОТМ ва ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришнинг инновацион стратегияларини интеграциялаш асосида ОТМ фаолиятининг самарадорлигини ошириш илмий – методологик асосланди.

2. Республикамизда ва хорижда олий фармацевтик таълим тизимининг замонавий ҳолати таҳлил қилинди. Бу таҳлил натижасида Ўзбекистон Республикасида фармацевт – кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш йўналишлари белгиланди.

3. Фармацевтика бозоридаги талаб ва ўзгаришларга мослашган ҳолда оператив равишда ташкилий инновацияларнинг янгича концепцияси таклиф этилди

4. Фармацевт кадрларни тайёрлашнинг янги концепциясига мувофиқ ҳолда янги йўналиш ва мутахассисликларни шакллантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди. Бунда фармацевтнинг янги малакавий талаблари ҳисобга олинди. Шу билан бирга янги йўналишлар ва мутахассисликлар учун ДТС, ўқув режалари ҳамда кадрларни тайёрлаш ва фармацевтларнинг малакасини ошириш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

5. Республиканинг фармацевтика соҳаси учун кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлашнинг кўрсаткичлари ва индикаторлари ишлаб чиқилди.

6. Изланиш натижалари бўйича саноат фармацияси, клиник фармация, космецевтика янги йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш ташкил этилди. “Фармация” йўналишига янги “Фармацевтик ёрдам” фани киритилди.

7. ЎзР ССВ нинг “Фармацевтлар малакасини оширишнинг такомиллаштириш”, “Фармацевтик лавозимлар низоми ва номенклатураси” буйруқлари тасдиқланди.

8. Фармацевтика институтига абитуриентларнинг қабули бўйича таклиф берилган истиқболли кўрсаткичлар асосида ҳар йилги 200 нафардан фарқли равишда 2008/2009 ўқув йилида 350 нафарли қабул режаси белгиланди.

ЧОП ЭТИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Юнусходжаев А.Н. Умарова Ш.З. Совершенствование фармацевтического образования в Республике Узбекистан// Фармация Казахстана.- Алматы, 2002.- №7.- С. 32-34.
2. Умарова Ш.З., Юнусхўжаев А.Н. Фармацевтик таълим ислоҳати// Тошкент фармацевтика институтининг 65 йиллигига бағишланган «Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси» мавзусидаги илмий-амалий анжуман маърузалар тўплами. -Т.,2002.- Б. 4.

3. Умарова Ш.З. Фармацевтика таълимида янги йўналишлар//Тошкент фармацевтика институтининг 65 йиллигига бағишланган «Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси» мавзусидаги илмий-амалий анжуман маърузалар тўплами.- Т., 2002.- Б.5.
4. Умарова Ш.З., Юнусходжаев А.Н. Потребность в фармацевтических кадрах в Республике Узбекистан// Kimyo va farmatsiya. –Ташкент, 2003.- №1.- С.22.
5. Юнусходжаев А.Н., Умарова Ш.З. Новые специальности в фармацевтическом образовании Республики Узбекистан// 3 Международная научно-практическая конференция. -Харьков, 2003. - С. 335.
6. Юнусходжаев А.Н., Умарова Ш.З. Подготовка фармацевтических кадров в Узбекистане// Актуальные проблемы и перспективы развития фармации.- Бишкек, 2003.- С.75-77.
7. Юнусова Х.М., Зияев Р.З., Умарова Ш.З. Повышение квалификации фармацевтических кадров в Узбекистане //Актуальные проблемы и перспективы развития фармации.- Бишкек,2003.- С.82-84.
8. Умарова Ш.З., Юнусходжаев А.Н. Содержание фармацевтического образования // Актуальні питання фармацевтичної та медичної науки та практики: Міжнародна наукова конференція, присвячена 100- річчю створення фармацевтичного факультету Запорізького Державного медичного університету «Історія та перспективи розвитку фармацевтичної науки і освіти»: Збірник наукових статей. – Запоріжжя: Видавництво ЗДМУ, 2004.-Вип.ХІІ. 140-141.
9. Юнусхўжаев А.Н., Умарова Ш.З. Фармацевт кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш // «Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари.-Т., 2005.- Б.9-10.
10. Умарова Ш.З. Тошкент фармацевтика институтида кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва ўқув жараёнини ташкил қилиш ишлари тўғрисида// Farmatsevtika jurnali. – Тошкент, 2007. - №. 3.-Б.18-21.
11. Умарова Ш.З., Юнусхўжаев А.Н. Фармацевтика таълимини ислох қилиш тадбирлари// Тошкент фармацевтика институтининг 70 йиллигига бағишланган «Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари.- Т., 2007.- Б. 3-4.
12. Юнусхўжаев А.Н., Умарова Ш.З. Олий тиббий таълим ислохатлари// “Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари” илмий-амалий анжуман материаллари. -Т., 2008. -Б.3-4.
13. Умарова Ш.З. Фармацевт кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш// “Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари” илмий-амалий анжуман материаллари. –Т., 2008- Б.48-49.
14. Юнусходжаев А.Н., Умарова Ш.З. Методические рекомендации по определению потребности в фармацевтических кадрах в Республике

Узбекистан для студентов 5 курса фармацевтических вузов и служебного пользования. – Ташкент, 2009.- 15с.

- 15.Бобокулов С., Умарова Ш.З. Ўқув жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил этиш: Касб таълими (фармация) йўналиши талабалари ва профессор-ўқитувчилар учун услубий қўлланма. – Тошкент, 2009. – 43 б.

**Фармацевтика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
Умарова Шахноз Зиятовнанинг 15.00.01 -дори технологияси ва
фармацевтика ишларини ташкил этиш ихтисослиги бўйича
“Ўзбекистон Республикасида фармацевт кадрлар тайёрлашни
такомиллаштириш” мавзусидаги диссертациянинг
РЕЗЮМЕСИ**

Таянч сўзлар: таълим стандартлари, таълим дастурлари, ўқув режа, касб тавсифномаси, таълим йўналишлари, таълим мутахассисликлари, педагогик технологиялар, фармацевтика бозори, фармацевт кадрлар, фармацевтнинг янги роли.

Тадқиқот объектлари: фармацевтик ишлаб чиқариш билан интеграллашган ҳолда фаолият юритаётган фармацевтик ОТМни бошқариш жараёни, тамойиллари ва қонуниятлари.

Ишнинг мақсади: фармацевтика секторидаги ўзгаришлар асосида фармацевт кадрлар тайёрлашни ташкил этиш жараёнини оптималлаштиришнинг илмий - услубий асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: ижтимоий-иқтисодий, статистик, тарихий ва мантикий.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: республикамызда илк бор фармацевт кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш борасида изланишлар олиб борилди. Республикамызда ва хорижда фармацевт кадрлар тайёрлаш ҳолатини таҳлил қилиш асосида замонавий фармацевтика амалиёти ва фармацевтика саноати талабларини инобатга олган ҳолда олий маълумотли фармацевт мутахассисларни тайёрлаш соҳасида ташкилий инновациялар концепцияси ишлаб чиқилди, бу концепцияни жорий қилиш учун янги йўналиш ва мутахассисликлар ташкил қилиш ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш йўналишлари таклиф этилди. Таълимни узлуксизлигини таъминловчи ҳар бир бўғин фаолиятини такомиллаштириш бўйича услубий кўрсатма ҳамда республикамызни фармацевт кадрлар билан таъминлаш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: ўтказилган изланишлар асосида фармацевт кадрларни тайёрлаш соҳасидаги ташкилий инновациялар концепцияси ва ўқув жараёнини ташкил қилишнинг амалий тавсиялари, ҳамда фармацевт кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш услуби ишлаб чиқилди. Ушбу услубий ишланманинг олий таълим муассасаси томонидан қўлланилиши унинг бозордаги мавқесини белгилашга, ўз стратегиясини баҳолашга, ҳамда

фармацевт мутахассисларга замонавий талабларни аниқлашга имкон беради. Мазкур инновациялар кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни таъминлайди.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: изланишлар асосида янги йўналишлар ташкил этилди ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш учун меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилди.

Қўлланиш соҳаси: Фармацевтика ишини ташкил қилиш, Олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, фармацевт кадрлар тайёрлаш, фармацевтика институтига қабул режаларини ишлаб чиқиш.

РЕЗЮМЕ

диссертации Умаровой Шахноз Зиятовны на тему:

“Совершенствование подготовки фармацевтических кадров в Республике Узбекистан» на соискание ученой степени кандидата фармацевтических наук по специальности 15.00.01 – технология лекарств и организация фармацевтического дела

Ключевые слова: образовательный стандарт, квалификационная характеристика, образовательные направления, педагогические технологии, учебные планы, образовательная программа, фармацевтический рынок, фармацевтические кадры.

Объекты исследования: процессы, принципы и закономерности управления развитием вуза в условиях интеграции фармацевтического образования и фармацевтического производства, функционирующие в сфере рыночной конкуренции.

Цель работы: разработка научно-методических основ оптимизации организации и содержания подготовки фармацевтических кадров по ее совершенствованию с учетом требований реального фармацевтического сектора.

Методы исследования: социально-экономический, статистический, исторический и логический.

Полученные результаты и их новизна: впервые в республике проведены исследования по совершенствованию подготовки фармацевтических кадров. На основании анализа современного состояния высшего фармацевтического образования в стране и за рубежом разработана концепция организационно-содержательных инноваций в области подготовки специалистов с высшим фармацевтическим образованием в соответствии с потребностями отрасли. Предложены формирование новых направлений и нормативно - методический инструментарий, необходимый для их внедрения. Также разработаны критерии и индикаторы прогнозирования потребности в кадрах для фармацевтического сектора республики.

Практическая значимость: использование вузом разработанного методического инструментария позволило внедрить рыночные способы управления вузом, адаптироваться в современной конкурентной среде, что в целом обеспечило повышение качества подготовки специалистов.

Степень внедрения и экономическая эффективность: в результате исследования открыты новые образовательные направления и подготовлены нормативные документы для внедрения в учебный процесс.

Область применения: организация фармацевтического дела, совершенствование деятельности вуза, подготовка фармацевтических кадров, формирование квоты приема в фармацевтический вуз.

RESUME

Thesis of Sh.Z. Umarova on the scientific degree competition of the candidate of sciences in Pharmacy on speciality 15.00.01 – drug manufacturing technology and pharmacy organizing; subject: “The improvement of pharmaceutical specialists training in the Republic of Uzbekistan”

Key words: educational standard, qualification characteristics, educational directions, pedagogical technologies, curricula, training programme, pharmaceutical market, pharmaceutical specialists.

Subject of research: processes, principles and patterns of ruling higher school development under the terms of integration of pharmaceutical educational and pharmaceutical production functioning in sphere of market competition.

Purpose of work: development of scientific-methodical bases for optimization of organization and contents of pharmaceutical specialists training on its improvement taking into consideration the requirements of the real pharmaceutical sector.

Methods of research: social-economic, statistical, historical and logical ones.

The results obtained and their novelty: the research on improvement of pharmaceutical specialists training has been carried out for the first time in the Republic of Uzbekistan. On the basis of analysis of the modern higher pharmaceutical educational state in our country and abroad the conception for organization-pithy innovations in the field of specialists training with higher education has been developed in accordance with requirements of the branch. Formulation of new directions and normative-methodical instruments to be necessary for their inculcation have been suggested. In addition, the criteria and indicators for prevision of need in specialists for pharmaceutical sphere of the republic were also elaborated.

Practical value: the developed methodical instruments were used by the institute and it allowed to inculcate market ways for managing it, to be adapted to up-to-date competitive medium that, in whole, has provided an improvement of specialists training quality.

Degree of embed and economic effectivity: as a result of the research new educational directions have been opened and normative documents were prepared for inculcation to the training process.

Field of application: pharmacy organizing, an improvement of higher schools` activity, pharmaceutical specialists training, quota formulation for admission to pharmaceutical higher school.